

## ТОВУШЛАР ТИЗИМИ ВА ЁЗУВ

### الأصوات والأحرف

#### 1- §. Товушлар таснифи

Нутқ бўғиз бўшлиғидан оғиз ёки бурун бўшлиғи орқали чиқаётган ҳаво оқими ҳосил қилган товушлардан иборат бўлади. Товушларнинг талаффузида ун (товуш) пайчалари, тил, танглай, милк, тиш, лаб каби аъзолар – нутқ органлари иштирок этади.


Фақат ун пайчаларини титратиб, оғиз бўшлиғида тўсикка учрамай ўтган ҳаво оқими ҳосил қилган товушлар «**унли товушлар**» деб аталади. Ҳаво оқимининг бирор тўсикка учраши натижасида ҳосил бўлган товушлар «**ундош товушлар**» деб аталади.

**Унли товушлар** талаффузида **оғизнинг очилиш** (тилнинг танглайдан узоқлиги) **даражасига** кўра юқори (тор), ўрта ва қуйи (кенг) кўтарилиш, **тил учининг тишга яқинлик даражасига** кўра олд, ўрта ва орқа қатор унлиларига, **лабларнинг иштирок этиши-этмаслигига** кўра лабланган ва лабланмаган унлиларга ажратилади. Масалан, «и» - юқори (тор) кўтарилиш, олд қатор, лабланмаган унли, «у» - юқори (тор) кўтарилиш, орқа қатор, лабланган, «а» эса - қуйи (кенг) кўтарилиш, орқа қатор, лабланмаган унлидир. Бундан ташқари унлилар талаффуз муддатига кўра «**қисқа**» ёки «**чўзиқ**» бўлиши мумкин.

**Ундош товушлар** таснифида қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

**1. Махраж** – товуш ҳосил бўладиган жой, чиқаётган ҳаво оқимига тўсиқ бўладиган нутқ органи. Масалан, «б» товушининг махражи - лаб-лаб, «ф» товушининг махражи – лаб-тиш, «т» товушиники – тил олди-юқори олд тишлар ва ҳоказо.

**Араб ундошларининг ҳосил бўлиш жойлари-махражлари**



#### 2. Талафф

й ёпилиб, очилиши натижасида ҳосил булган товуш «**портловчи**», қисман тусилиши натижасида ҳосил бўлган товуш «**сирғалувчи**» деб аталади. Масалан, «б», «т» товушлари – портловчи, «з», «ш» товушлари эса – сирғалувчи товушлардир.

Портловчи ва сирғалувчи товуш бирикмасидан иборат кўш товушлар «қоришиқ» (аффриката) деб аталади. Масалан, «т» ва «ш» товушлари бирикмаси «ч», «т» ва «с» бирикмаси «ц» ва ш.к.

3. **Ун (товуш) пайчаларининг иштироки.** Ундошларнинг талаффузида ҳаво оқимининг тўсиққа учраши натижасида овоз чиқади, бу овоз «шовқин» деб аталади. Ҳаво оқими ун пайчаларини ҳам титратиб ўтган бўлса, «жаранг» ҳосил бўлади. Фақат шовқиндан иборат бўлган товушлар «жарангсиз», жаранг ҳам кўшилган бўлса, «жарангли» деб аталади. Масалан, «с», «т» - жарангсиз, «з», «д» - жарангли.

«м», «н», «л» каби талаффузида жаранг шовқиндан устун бўлган ундошлар «сонор» ёки «сонант» деб аталади.

Булардан ташқари, араб тилида махражи тил олдида бўлгани ҳолда тил орқаси тилча (юмшоқ танглай) томон кўтарилиб талаффуз қилинадиган «эмфатик» товушлар ҳам бор.

### Ўзбек ва араб тилларидаги ундошларнинг қиёсий таснифи

Махражи  талаффуз усули		лаб-лаб	лаб-тиш	Т И Л О Л Д И				танглай олди	тил ўртаси-қагтик танглай	тил орти-юмшоқ танглай	тил орти-тилча	халқум	бўғиз
				тиш ораси		юқори тиш							
				оддий	Эмфатик	оддий	эмфатик						
портловчи	жарангли	Б ب			Д د	ذ		Г					
	жарангсиз	П			Т ت	ظ		К ك	+	ق		ء	
сирғалувчи	жарангли	و	В و	ز ز	З ز		Й ي	/	س	ع			
	жарангсиз	Ф ف	Ф ف		С س	ظ	Ш ش	Х خ		ح	ح	Х ح	
қоришиқ	жарангли							Ж ج					
	жарангсиз				Ц س			Ч چ					
сонорлар	бурун	М م			Н ن				НГ				
	тил ёнлари				Л ل								
	титрок				Р ر								

## 2- §. Араб ёзуви хусусиятлари

Араб ёзуви ўнгдан чапга йўналган ёзувдир. Алифбода жами 28 ҳарф бўлиб, уларнинг 25 таси ундошларни, 3 таси эса чўзиқ унли ва ярим ундошларни ифодалайди. «Ҳамза» ундоши алифбога киритилмаган. +исқа унлиларни англлатувчи ҳарфлар ҳам йўқ.

Ҳарфларнинг 22 таси сўз таркибида ўзидан кейинги ва олдинги ҳарфларга улашиб ёзилади, 6 таси эса фақат ўзидан олдинги ҳарфга уланади. Ҳар бир ҳарф бошқа ҳарфга уланган-уланмаганлигига қараб турли шаклга эга бўлиши мумкин.

Араб алифбосида «бош ҳарф», «кичик ҳарф» деган тушунчалар йўқ. Бу жиҳатдан ҳамма ҳарфлар бир хил. Фақат ҳозирги кундаги босма ҳарфлар қўлёзма ҳарфлардан баъзи ҳолатларда бироз фарқ қилади.

Араб ҳарфлари рақамлар ўрнида ҳам ишлатилган. Ҳар бир ҳарф ўзининг рақамий-«абжадий» қийматига эга.

Араб ёзуви китобларни, турли иншоот ва қурилмалар, рўзғор буюмларини безаш учун ҳам хизмат қилган. Шу боис чиройли ёзув – ҳуснихат муттасил такомиллашиб бориб, санъат даражасига етган. Бу санъатни эгаллаган кишилар – хаттотлар эл орасида олимлар, шоиру адиблар катори ҳурмат-эътибор қозонганлар.

Асрлар давомида араб ёзувининг ҳарфларнинг шакллари, бир-бирига улашиб, чизиқларнинг қалинлиги, узунлиги билан бир-биридан фарқ қиладиган турли кўринишлари шаклланган. Бу кўринишлар «хат» - «ёзув» деб аталади. **Куфий, мағрибий, девоний, таълик, сулс, риқъа, насх** номли «хат»лар мусулмон дунёсида маълум ва машҳурдир<sup>1</sup>. Дарсликдаги арабча матнларни ёзишда нисбатан содда ва энг кўп тарқалган «**наسخ**» хати асос қилиб олинди.

Араб алифбоси

абжадий қиймати	ёзилиши	номи	тартиб рақами	абжадий қиймати	ёзилиши	номи	тартиб рақами
800	ض ضضض	ضاد	15	1	ا	الف	1
9	ط ططط	طاء	16	2	ب	باء	2
900	ظ ظظظ	ظاء	17	400	ت	تاء	3
70	ع ععع	عين	18	500	ث	ثاء	4
1000	غ غغغ	غين	19	3	ج	جاء	5
80	ف فففف	فاء	20	8	ح	حاء	6
100	ق قققق	قاف	21	600	خ	خاء	7
20	ك ككك	كاف	22	4	د	دال	8

<sup>1</sup> 1-иловага қаранг.

30	ل لل	لام	23	700	ذ ذ	ذال	9
40	م مم	ميم	24	200	ر ر	راء	10
50	ن ننن	نون	25	7	ز ز	زاء	11
5	ه ههه	هاء	26	60	س سس	سين	12
6	و وو	واو	27	300	ش ششش	شين	13
10	ي ييي	ياء	28	90	ص صصص	صاد	14